

КАЛАМУШ ОШҚОЗНИ ПИЛОРИК ҚИСМИ БЕЗЛАРИНИНГ КОТОРАН ВА КИНМИКС ТАЪСИРИДАГИ СТРУКТУР ҲАҲАРИШЛАРИ

Бобомуродов Н.Л.,

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти.

✓ *Резюме,*

Каламуш ошқозони пилорик қисми безларида морфологик дифференциал ўзгаришлари ёшга боғлиқлиги контрол гуруҳида кузатилади.

Безлардаги ўзгаришлар тадқиқот гуруҳидаги каламушлар ҳаётининг 11-16 кунларида ва аралаш овқатланишга ўтишида топилди. Которан ва кинмикс таъсирида шиллиқ қават хужайраларидан асосий, париетал ва шиллиқ хужайралар камайишига олиб келади. Бу ҳолат которан таъсирида кинмиксга қараганда кўпроқ учрайди.

Калит сўзлар: ошқозон, безлар, которан, кинмикс

СТРУКТУРНЫЕ ИЗМЕНЕНИЯ ЖЕЛЕЗ ПИЛОРИЧЕСКОГО ОТДЕЛА ЖЕЛУДКА КРЫСЫ ПРИ ДЕЙСТВИИ КОТОРАНА И КИНМИКСА

Бобомуродов Н.Л.,

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины.

✓ *Резюме,*

В контрольной группе с возрастом происходит морфологическая дифференцировка желез пилорического отдела желудка крысят.

В экспериментальных группах выявлено, что изменения в железах после действия пестицидов наиболее выражены с 11 по 16 день развития, к началу перехода на смешанное питание. Воздействие кинмикса и которана приводит к уменьшению содержания главных, париетальных и слизистых клеток слизистой оболочки. Эти негативные изменения более выражены при воздействии которана, чем кинмикса.

Ключевые слова: желудок, железы, которан, кинмикс

STRUCTURE CHANGES IN GLANDS OF PYLORUS PART OF THE STOMACH OF RAT UNDER THE INFLUENCE OF KOTORAN AND KINMIX

Bobomurodov N.L.,

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali Ibn Sina,
200101, Uzbekistan, Bukhara city, 1 Navai Avenue stride <http://bsmi.uz>.

✓ *Resume,*

In the control group, morphological differentiation of glands of pyloric stomach of rats occurs with age. In the experimental groups, it was revealed that changes in the glands after the action of pesticides are most pronounced from 11 to 16 days of development, to the beginning of the transition to mixed nutrition.

The effect of kinmix and kotooran leads to a decrease in the content of the main, parietal and mucous cells of the mucosa. These negative changes are more pronounced when exposed to kotooran than kinmix.

Key words: stomach, glands, kotooran, kinmix.

Долзарблиги

Турли хил кимёвий моддаларнинг халқ хўжалиги ва маиший хизматда кенг қўламда ишлатилиши ва саноат чиқиндиларини назоратсиз атмосферага кенг тарқалиши атроф-муҳитни заҳарланишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳолат инсон ва ҳайвон организмда оғир хасталиклар келиб чиқишига сабаб бўлади [3]. Зарарли моддаларнинг организмга таъсири анатомик нуқсонларга, доимий ва вақтинчалик бузилишларга, асоратининг кенглигига, нормал физиологик фаолиятнинг бузилишига, нерв системаси фаолиятининг бузилишига, қон-томир системаси ва умумий модда алмашинуви бузилишига сабаб бўлади. Зарарли моддалар инсон организмга нафас системасидан, ошқозон-ичак трактига ва тери умумий қопламига таъсир қилади [4].

Ошқозон-ичак қасаликлари кенг тарқалган қасаликлар бўлиб, охириги ўн йилликда бир неча марта ўсиши кузатиляпти [1]. Халқ хўжалигида ишлатилади-

ган кимёвий моддалар ва пестицидларнинг таъсири бу ҳолатларга сабаб бўлиши кузатилмоқда [2,4].

Тадқиқот мақсади которан ва кинмикс каламуш ошқозони пилорик қисми безларига таъсири каламуш боласига она сути орқали ўтишини ўрганишдир.

Материал ва усуллар

Тадқиқот объекти бўлиб оқ каламушнинг ошқозони олинди. Пестицидлар таъсирига эмизикли даврининг кўпроқ таъсирчанлигини аниқлаш мақсадида она сути орқали урғочи каламуш (онаси) болаларининг қуйидаги ёш даврлари кузатилди: 1) 1-5 кунлик; 2) 6-10 кунлик; 3) 11-15 кунлик.

Урғочи каламуш (онасига) ошқозонига каламуш болалари тузилганидан кейин которан 1/100 ЛД 50 дозада (1.6 мг) ва 5% ли кинмикс эритмаси 5 МДУ (0,05 мг) дозада юборилди. Тадқиқот гуруҳларининг бирига которан, иккинчисига эса кинмикс юборилди.

Юборилган модда миқдори 1 мл ни ташкил қилди. Ургочи каламуш (онаси) ошқозонига назорат гуруҳидаги 1 мл дистилланган сув юборилди. Тадқиқот гуруҳидаги каламушларни 30 кун ўтганидан кейин текширилди. Тадқиқотнинг 36, 41, 46-кунларида ўтказилди. Олинган материал Буэн суюқлигида қотирилди ва кўтариловчи концентрацияланган спиртда ўтказилди ва парафинга қуйилди. Кесмалар галоцианин-хромли квасца ва гематоксилин-эозинда бўялди. Без ҳужайраларининг миқдори - асос без ҳужайралари, париетал ва шиллиқ ҳужайралари -25 мм² майдонда саналди.

Натижа ва таҳлиллар

Каламуш ошқозони деворининг пилорик қисми безлари тарқалмаган оддий найсимон безлардан иборат. Улар қуйидаги қисмлардан тузилган: туби, танаси, бўйни, бўғзи ва тешиқдан. Безлар бир неча ҳужайралар типини ташкил қилади: туби ва танаси, асос без ҳужайрасидан ва париетал без ҳужайрасидан; бўйни, бўғзи ва тешиги шиллиқ без ҳужайраси ва париетал без ҳужайраларини ҳосил қилади.

Ҳужайраларнинг морфологик таркибини ўрганиш 1-назорат гуруҳи каламушларида шуни кўрсатдики, асос без ҳужайраларининг сони $29,3 \pm 0,5$; париетал без ҳужайралари $29,2 \pm 0,5$; шиллиқ без ҳужайралари $31,3 \pm 0,2$.

Биринчи тадқиқот гуруҳида (1-кичик гуруҳ) которан таъсиридаги каламуш болалари ошқозон деворида безларнинг бир-бирига яқинлиги қалинлашганлигини кўрсатди. Без бўйнида париетал ҳужайралар йўқлиги кузатилади. Шу билан бирга без ҳужайраларининг бутунлиги бузилиши кузатилади. Асос без ҳужайраларининг миқдори $12,5 \pm 0,9$, париетал ҳужайралар $15,2 \pm 0,5$, шиллиқ ҳужайралар $14,2 \pm 0,9$ ни ташкил қилди.

Биринчи тадқиқот гуруҳида (2-кичик гуруҳ) кинмикс таъсирида ошқозон девори безларининг орасидаги масофа жуда яқинлиги кузатилади. Без ҳужайраларининг миқдори - асос без ҳужайраларида $20,8 \pm 1,6$; париетал ҳужайраларда $23,0 \pm 1,2$; шиллиқ ҳужайраларда $22,8 \pm 1,2$.

Иккинчи тадқиқот гуруҳида (1-кичик гуруҳ) каламуш болаларида которан таъсирдан кейин айрим безлар бўғзида эпителий қопламаси йўқолиши кузатилади. Безнинг танаси ва тубида асос ҳужайраларининг якка-якка парчаланиши учрайди. Шунга ўхшаш ҳолат каламушларда хлорофос (1/10-1/20 ЛД 50)нинг юқори дозасидаги таъсирида асос ҳужайраларининг жароҳатланиши учрайди. Асос ҳужайраларининг миқдори $16,2 \pm 0,9$; париетал ҳужайралар- $23,5 \pm 0,7$; шиллиқ ҳужайралар $21,5 \pm 1,7$. Иккинчи тадқиқот гуруҳи каламуш болаларида (2-кичик гуруҳ) кинмикс таъсирдан сўнг без бўйни бўшлиғида шиллиқ йўқлиги кузатилади. Безнинг туби кенгайган, ҳужайралар бир-бирдан узоқлашиб жойлашган. Миқдорий анализ шуни кўрсатадики, асос без ҳужайраларининг миқдори $13,5 \pm 0,7$; париетал без ҳужайралар $17,3 \pm 1,7$; шиллиқ без ҳужайралари $18,2 \pm 2,1$. Бу ёш даврида тадқиқот гуруҳи назорат гуруҳи билан солиштирилганда, которан таъсирида без ҳужайраларининг таркиби камайиши кузатилади, асос без ҳужайралари 2,1

марта, париетал без ҳужайралари 1,4 марта, шиллиқ без ҳужайралари 1,8 марта. Кинмикс таъсирида эса асос без ҳужайралари миқдори - 2,5 марта, париетал без ҳужайралари 1,9 марта, шиллиқ без ҳужайралари 2 марта камайиши кузатилади.

Каламуш болалари 3-назорат гуруҳини ўрганиш шуни кўрсатдики, асос без ҳужайралари сони $40,3 \pm 0,7$; париетал без ҳужайралари $37,7 \pm 0,7$; шиллиқ без ҳужайралари $38,3 \pm 0,7$ га тенг.

Учинчи тадқиқот гуруҳи каламуш болаларида (1-кичик гуруҳ) которан таъсирдан кейин безларнинг бўйин қисмида шиллиқ без ҳужайраларининг бўлмаслиги кузатилади, фақатгина якка-якка париетал без ҳужайралари учрайди. Тадқиқотнинг бу сериясида асос без ҳужайраларининг миқдори $14,2 \pm 1,4$; париетал без ҳужайралари $16,7 \pm 0,9$; шиллиқ без ҳужайралари $13,7 \pm 1,6$ ни ташкил қилади.

Учинчи тадқиқот гуруҳи каламуш болаларида (2-кичик гуруҳ) безларнинг бир-бирига яқинлиги ва тубининг кенгайиши кузатилади. Без бўғзида эпителий қопламасининг йўқлиги аниқланди. Асос без ҳужайралари- $16,7 \pm 2,5$; париетал без ҳужайралари $14,8 \pm 1,1$; шиллиқ без ҳужайралари $18,8 \pm 2,6$ ни ташкил қилди. Бу ёш даврини назорат гуруҳи билан солиштирилганда которан таъсири без ҳужайраларининг миқдорини камайишига олиб келади. Асос без ҳужайралари 2,8 марта, париетал ва шиллиқ без ҳужайралари 2,3 мартага камаяди.

Хулоса

Назорат гуруҳи каламушларида ошқозони девори пилорик қисми безларининг морфологик мослашуви ёшга нисбатан кузатилади.

Тадқиқот гуруҳидаги каламуш болаларида безларнинг ўзгариши пестицидлар таъсирдан сўнг ҳаётининг 11-16 кунларида, аралаш овқатланишга ўтган даврида кузатилади.

Которан ва кинмикс таъсири асос без ҳужайралари, париетал ва шиллиқ без ҳужайралари сонининг камайишига олиб келади. Бу нохуш ҳолат которан таъсирида кинмиксга нисбатан кўпроқ учрайди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Сафонова М.А. Гигиеническая оценка воздействия техногенных химических факторов среды обитания на развитие хронического гастродуоденита у детей (на примере Пермского края): Автореф. дис. канд. мед. наук. Пермь, 2009; 24.
2. Тен С.А. Морфологические изменения сосудов внутренних органов крысы при воздействии пестицидов: Научное издание / Морфология. - СПб., 2006. - №4-С.123.
3. Du G., Shen O., Fei J., Lu C., Song L., Xia Y., Wang S., Wang X. Assessing hormone receptor activities of pyrethroid insecticides and their metabolites in reporter gene assays. // Toxicol. Sci.-2010. Vol. 116, № 1.-P. 58-66
4. Tukhsanova N.E. Quantitative Relationship of Lymphocytes in the Lymphoid Nodules of the Small Intestine of Rats in Normal and Under the Influence of Kotoran// American Journal of Medicine and Medical Sciences.- 2019.-№9(12) PP. 467-470
5. Pepetto Ya., Baliga S.S. Pesticides and the immune system\ the Public Health Risks -world Resources institute, 2006-P 858.

Келиб тушган вақти: 09.03. 2020